

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI
TILSHUNOSLIK KAFEDRASI**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
КАФЕДРА ЯЗЫКОЗНАНИЯ**

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
FERGHANA STATE UNIVERSITY
CHAIR OF LINGUSTICS**

**Farg‘ona davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi Mahfuzullo Rahmonov
tavalludining 80 yilligi munosabati bilan o‘tkazilgan**

**“ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKNING DOLZARB
MASALALARI” MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI**

МАТЕРИАЛЫ
республиканской научной
конференции
**“АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКИ”**
Фергана – 14 марта 2023 года

MATERIALS
of the republik scientific
conference
**“THE ACTUAL PROBLEMS OF
MODERN LINGUASTICS”**
Ferghana city, March 14, 2023

FARG‘ONA – 2023

UO‘K/УДК/UDC: 811.161.1

КВК/ББК/LBC: 84 (5Ў)

Tashkiliy qo‘mita/ Организационный комитет/ Organization committee

B.Sh.Shermuhhammadov, I.I.Zokirov,
S.Mo‘minov, E.I.Ibragimova, N.Qo‘ldashev

Mas‘ul muharrir / Ответственный редактор/ Executiva Editor

S.M.Mo‘minov

Tahrir hay‘ati / Редакционная коллегия/ Editorial board

N.Qo‘ldashev, M.Zokirov, A.Saminov, A.Dadajonov, Yu.Shuxratova

“Zamonaviy tilshunoslikning dolzarb masalalari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Ilmiy nashr. – Farg‘ona: FarDU, 2023 – 271 bet.

“Актуальные проблемы современной лингвистики” материалы республиканской научной-практической конференции. – Научное издание. – Фергана: ФГУ, 2023. – 271 стр.

“The actual problems of modern linguistics” materials of the republik scientific conference. – Scientific publication. – Ferghana: FSU, 2023. – 271.

ko‘paytirish va ularni o‘quvchiga va keng kitobxonga yetkazish, dialektal so‘zlar izohli lug‘atlarini tuzish ishlarini amalga oshirish lozim bo‘ladi.

Shuningdek, “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ni adabiy tilning boyishda ichki manba bo‘lgan dialektizmlar hisobiga boyitish eng asosiy vazifalardan biridir. Bunday lug‘atlardagi so‘zlarning izohlanishini lingvistik tahlil qilib borish esa ularning takomillashish kaliti vazifasini bajarishi tabiiydir.

Fan-texnika yuksak darajada taraqqiy etayotgan shiddatli va tezkor davrda o‘zbek tilshunosligining barcha sohalari kabi leksikografiyada ham eng so‘nggi yutuqlardan foydalanib, zamonaviy, ta‘lim sifati samaradorligini oshirishga xizmat qiluvchi lug‘atlarni yaratish davr taqozosi hisoblanadi. Bunday lug‘atlarni dialektal leksika bilan boyitish muhim hisoblanadi. Bu esa dialektal leksikaning yashovchanligini ta‘minlashga xizmat qiladi. Shuningdek, tilning lug‘at boyligini oshiradi, adabiy tilning ichki manba hisobiga boyishiga xizmat qiladi.

Ayniqsa, dialektal tadqiqotlar va izlanishlar dialektizmlarning adabiy til leksikasidan joy olishida muhim omil hisoblanadi. Bu boradagi izlanishlar natijasida tilimizning bebaho boyligi saqlanadi, tilda butun millat uchun tushunilishi oson bo‘lgan so‘zlar salmog‘i ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ashirboyev S. O‘zbek dialektologiyasi. – Toshkent, 2021. B.175.
2. Rajabov N. O‘zbek shevashunosligi. – Toshkent, “O‘qituvchi”, 1996 .
3. To‘ychiboyev B., Xasanov B. O‘zbek dialektologiyasi. – Toshkent, 2004.
4. Umarov E. Eski o‘zbek lug‘atlari. – Toshkent, 1992.
5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati / A.Madvaliyev tahriri ostida. 5 jildli, 1-5-jildlar. – Toshkent, 2020.

ХУЖЖАТЧИЛИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ф.Ж.МУРОДОВА, ЧДПУ ўқитувчиси

Тарихан кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига ҳамда давлатчиликнинг вужудга келишига олиб келди. Деярли бир вақтнинг ўзида ижтимоий зарурат туфайли ёзув ҳам пайдо бўлди. Туркий халқлар яратган турк-рун, уйғур ва узоқ тарихга эга бўлган кўплаб ёзувлар туфайли энг қадимги даврлардан аждоқларимизнинг яқин-йироқ мамлакатлар билан олиб борган сиёсати, маданий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари натижасида турли ёзишмалар, йилномалар, бадий, илмий, тарихий асарлар, турли хужжатлар, фармонлар ва қонунлар яратилди. Бу хужжатлар ўз даври ҳақида маълумот берувчи, давлатчиликнинг маълум структураларини кўрсатувчи манбалар сифатида қадрлидир. Бундай хужжатчилик ва тил тарихида мавжуд қоидаларга асосланган манбаларни ҳисобга олмасдан, уларни тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур илмий таҳлил қилмасдан, ҳозирги хужжатчилик ва тил тарихининг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас.

Ҳужжатчилик тарихига назар солсак, дунёнинг бизгача етиб келган энг қадимий қонунлари милоддан аввалги 1792 – 1750 йилларда яшаган Бобил подшоҳи Хаммурапи томонидан тузилган. Хаммурапи қонунлари қулдорлик тузуми ҳуқуқининг характерли белгиларини ўзида акс эттирган бўлиб, Қадимги Шарқ ҳуқуқининг қимматли ёдгорлиги саналади. Хаммурапи қонунлари 282 моддадан иборат бўлиб, ҳуқуқнинг айрим соҳаларига тегишли суд процесси, мулк ҳуқуқи, мулкнинг турли кўринишлари, ерга эгалик, никоҳ ва оила, мерос ҳуқуқи ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Унда хусусий мулкчилик, айниқса, қулдорлик қаттиқ ҳимоя қилинган.

Хаммурапи қонунларидан ҳам қадимроқ манбаа милоддан аввалги 2112-2094 йилларда шоҳ Ур-Намму томонидан тузилган қонунлар мажмуасидир. Ушбу мажмуа ҳозирги вақтгача илм-фанда маълум бўлган энг қадимги қонундир. Ур-Наммунинг ҳуқуқий кодекси дастлаб, шубҳасиз, уч асрдан кейин Хаммурапи қонунлари ёзилганидек, тош стелага ўйилган. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳеч бўлмаганда баъзи жиноятлар, масалан, жисмоний жароҳатлар, Хаммурапи ёки яҳудий қонунларининг кейинги қонунларида бўлгани каби, ўлим ёки жароҳатлаш билан жазоланмайди. Жиноятчи жабрланувчига қумуш билан товуни тўлаши керак эди, унинг оғирлиги жиноятнинг оғирлигига боғлиқ эди. Ур-Намму сулоласи инсонпарвар ва маданиятли жамият тузишни ёқлаб чиққан. Қонунлар муқаддимасидан маълум бўлишича, Ур-Намму армия ва солиқ тизимини қайта ташкил этган, у бир қатор энг характерли бюрократик суиистеъмолликларни йўқ қилган.

Ҳужжатчилик борасидаги бу анъана турк ҳоқонларининг “Қонуннома”сида ҳам давом эттирилган бўлиб, унда Буюк турк ҳоқонлигининг давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгаларининг вазифалари, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришлар ўтказиш, кўзғолонларни бостириш қоидалари баён этилган. Хондамирнинг “Қонуни Ҳумоюн”, Рўзбехонинг “Сулуқ ал-мулуқ” каби ноёб тарихий манбалари ҳам туркий халқлар тарихида ҳужжатчилик анъаналари жуда қадимги даврларда бошланганлигидан далолат беради. Қайд этиб ўтилган тарихий манбалардан ташқари, ҳоқонликлар, шоҳликлар, хонликлар, амирлик ва бекликларда юритилган фармонлар, битимлар, арзномалар, ёрлиқ, тилхат, қарнома, гувоҳнома каби кўплаб ҳужжатларнинг турли-туман ёзувларда тайёрланган ноёб нусхалари, намуналари ҳам бизгача етиб келган.

Мавжуд ҳужжатлардан энг муҳими ва бутун дунёга тарқалиб, шоҳлар ва саркардалар, давлат арбоблари учун дастуруламал вазифасини ўтаб келган ноёб манба Амир Темурнинг “Темур тузуклари”дир. Асар ўрта асрлар давлатчилигининг асосий қонуни сифатида машҳур бўлиб, унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тож-у тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, бож ва солиқ тўлаш тартиб-қоидалари, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тож-у тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини қай тарзда тақдирлаш тартиби ва бошқа шу каби муҳим қоидалар ўз

ифодасини топган. Шунингдек, ўша даврда инсон ҳуқуқини назорат ва муҳофаза этувчи мутасаддилар – қозилар томонидан тасдиқланган мерос мулкни тақсимлаш, болаларни ҳунар ўрганиш учун шогирдликка бериш, корхоналар, савдо дўконлари, ер-сув ҳамда уй-жой, мол-мулкни сотиш, сотиб олиш ёки ижарага бериш, қуллар меҳнатидан фойдаланиш ёки уларни озод этиш, оила, никоҳ, талоқ, сулҳ каби қатор ҳуқуқий муносабатлар аксини топган васиқалар тўпламлари ҳам фикримизни асослайди. Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бошқарилган юртларда давлат ишлари туркий (ўзбек) тилда юритилган. Бобурнинг “Бобурнома” асари бунга яққол гувоҳлик беради. Асарда китобат иши ва ёзув амалиёти, ҳужжатчилик ишлари билан боғлиқ бутун бошли атамалар тизими қўлланган. Масалан, асарда «ёзишма, мактуб» маъносида хатт (араб. خط, arḍadāšt (форс. داشت عرضه) атамалари ишлатилган: Sultān Ḥusayn mīrzānīn bu xatṭlarī mūjib-i nā-umidlik boldī (BN.251). Бобур ўз асарида kitābat (араб. كتابة) атамасини ҳам ишлатади ва Алишер Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атайди: Bu ikkinči navbat Samarqandnī alyanda, 'Alī-Šer-beg tirig edi. Bir navbat menā kitābatī ham kelip edi. Men ham bir kitābat yībārip edim, arqasīda türkī bayt aytip, bitip yībārip edim. Javāb kelgünčā, tafriqa-vu yavvā boldī (BN.175)²⁵. Хонликлар даврида ҳам туркий тилда битилган ҳужжатчилик анъаналари давом этди. Бухоро, Хива, Қўқон хонликларидаги ижтимоий аҳвол, ҳар бир хонликнинг ўзига хос сиёсати, мол-мулк, солиқ ишлари, ер ва сув билан боғлиқ муаммолар, жиноятчиларга жазо бериш, бошқа давлатлар билан алоқа қилиш каби бир қатор масалалар ёритилган хатлар, турли ёзишмалар, фармонлар, ҳужжатлар шулар жумласидандир. Афсуски, бу жараён чор Россияси Марказий Осиёни босиб олиши билан тўхтаб қолди, анъаналар унутилди. Ҳужжатчилик таназзулга юз тутди. Мамлакатнинг бошқарув назорат органларида барча ҳужжатлар рус тилида юритишга ўтказилди. Аммо жадидчилик намоёндалари бунга қўл қовуштириб қараб турмади. Ўз тилини, ёзувини ҳимоя қила олди. XX аср бошларида ҳужжатчиликнинг давом этиши ва ривож топиши бевосита Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг “Китобат ул-атфол” (Болалар учун ёзув китоби) китоби билан боғлиқдир. Асар 1908 йили Самарқандда нашр қилинган. Инқилобгача икки марта чоп этилиб, иккинчиси 1914 йилда қайта чиқарилган. У ўзбек ва форс тилларида ёзилган.

“Китобат ул-атфол” китоби Бехбудий томонидан XX аср бошларида усули жадида мактабларига ҳужжатчилик ва тил қоидаларини ўргатиш мақсадида яратилган янги усулдаги услубий қўлланма ҳисобланади. У XX аср бошида Туркистон ўлкасида ҳужжат юритиш ва тил соҳасида ислохотларни амалга ошириш нуктаи назаридан тузилган.

Қўлланмада ҳужжат юритиш қоидалари ўз аксини топган бўлиб, яъни ота ва онанинг болаларга муносабатлари; ота-она олдидаги бурчи; болаларнинг ҳуқуқлари; хат ёзмоқнинг қоидалари ва шартлари; маҳаллий ҳокимиятга ариза ёзиш; маълумотнома; тасдиқнома; мамлакат фуқаролиги

²⁵ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т: “Янги аср авлоди”-2018, 175- бет

учун ва хорижий паспорт бериш; шаҳодатнома; тилхат каби ҳужжат намуналарининг ёзилиш тартиби ва қоидалари ўз аксини топган. Айни пайтда муаллиф китобни нашр этишдан мақсадини ҳам айтиб ўтади. Яъни: *“Биз ҳам шул қоидага биноан мажмуаи китобат ва ишо”* унвонида авлоди ватан учун расмий ва хусусий ҳамда Туркистоннинг шаръий ва миллий маҳкамаларина маъмул(амалдаги) барча васойиқ(восиқалар), ҳужжату ва билжумла мусулмон волоснўйи управители (ноҳия мудири) ҳузурида бўладиган дознония, протокул, қабоҳатнома ва расмий ҳар нав мактубларни мухтавий(ўз ичига олган) бир неча жуздан мураккаб бир асар таҳрир ва нашр этмоқ амалинда эдук. Шу мақсадга ушбу *“Китобат ул – атфол”* нашири ила шуруъ этдим. Матлабимизнинг асоси болалар ва барча талаба тоқатинча, тавҳиди лисон(тил бирлиги), таъмим(ёйиш) ва тафҳими(тушунтириш) мактуботи туркия ва форсиядан иборатдур”.²⁶

Бундан ташқари, ўзбек ҳужжатчилик тарихида тил, унинг одоби, ахлоқи, иш юритиш соҳасидаги қоидалари мавжуд асарлар ичида “Китобат ул-атфол” алоҳида ажралиб туради. Унда тиниш белгиларни ҳам ўзига хос номланишлари ўрин эгаллаган. Жумладан, сўроқ белгисини аломати савол; ундов белгисининг аломати нидо, таажжуб хитоб; тере эса, икки сўзни фарқ қилатурғон аломат; баробар эса, иккиси бир поғонада; вергул эса, озгина турмоқ учун; икки нуқта эса баён ва тафсил учун; кўп нуқталар эса, нотаом сўзлар; сўзнинг охири ёки вақфи том аломати каби атамалар билан берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бошқа соҳалар сингари ҳужжатчилик, иш юритиш ҳужжатлари тизими ҳам ривож топди. Кўриниб турибдики, ҳужжатчилик тарихи, у билан боғлиқ анъаналар замонлар ва даврлар ўтиши билан ўзгарган бўлса-да, долзарблигини ҳали хануз йўқотгани йўқ. Жамият ривожлангани сари ҳужжат турлари кенгайиб, у билан боғлиқ терминология, уларнинг ёзилиш услуби, тили, нутқий сифатлари илмий тадқиқини кутаётган масалалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Aminov M., Madvaliyev A., Mahkamov N., Mahmudov N. Ish yuritish. – Toshkent, 2020.
2. Лосев В. И., Кузнецова Т.В. Основы делепроизводства. –М., 1975.1998
3. Amir Temur., Temur tuzuklari. –Т: “Ochun”, 2021 у., 158 bet
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т: “Янги аср авлоди”- 2018, 704 бет

²⁶ Mahmudxo‘ja Behbudiy. Tanlangan asarlar. Toshkent: “Ma‘naviyat”, 2009 y 74-bet

MUNDARIJA

B.Sh.Shermuhammadov. Ibratli umr sohibi.....	3
E.Ibragimova. Sahovatli olim.....	5
S.Mo‘minov. Menga “4” qo‘ygan domla.....	6
M. Hakimov. Novqatlik so‘zshunos olim	8
Sh. Iskandarova. N.Qo‘ldoshev. Qalbida ilm nuri.....	9
N.Umarova. Mahfuzullo Rahmon - Minorai kalon	11
G.Roziqova. Ustozdan minnatdorman.....	13
V.Jabborov. Seleksioner olim.....	15
I.Hojaliyev. Mohir pedagog, beg‘ubor va talabchan ustoz.....	16
M.Rahmonov. Товуш, оҳанг, мусиқа ва саломатлик.....	18
Sh.Iskandarova, R.Jo‘rayeva. Muqimiy asarlarida qo‘llanilgan zoonimlarhaqida.....	22
A.Mamajonov, A.Saminov. Oksyumoron komponentlari o‘rtasidagi semantik munosabatlar.....	24
M.Zokirov. Внешние и внутренние законы развития языка.....	27
Sh.G‘aniyeva, M.Dadajonova. Narsa-predmet nomlarini bildirgan topishmoqlar matnini o‘rganish.....	29
O.Akbarov, M.Bahodirova. Эволюция жанра трагедия в мировой литературе.....	31
O.Abbozov. So‘x tumani toponimiyasining lingvogeografik tavsifi, shakllanishi hamda takomili.....	34
N.Teshaboyeva. Ayrim rang bildiruvchi sifatlar tahliliga doir.....	38
M.Ergasheva. Lingvopoetika – badiiy nutqni o‘rganuvchi soha.....	41
Э.Ўринбоева. Зиддият категорияси ва антонимия.....	43
I.O‘rinboyeva. “Devonu lug‘otit turk” asarida qo‘llangan maqollarning fonetik xususiyatlari.....	46
A.Shofqorov. “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”dagi dialektal so‘zlar.....	48
Ф.Муродова. хужжатчилик тарихига бир назар.....	51
M.Amonov. “Бобурнома”да қўлланилган пайт маъносини билдирувчи арабча изофий бирикмалар хусусида.....	55
Z.Alimova. Forscha-tojikcha o‘zlashmalardagi ayrim old qo‘shimchalarning etimologik xususiyatlari.....	57
O.Akbarov, Y.Валижонова. Своеобразие восточного и западного ренессанса.....	59
M.Қамбаров. Ўзбек насрий асарларидаги грамматик архаизмлар.....	62
M.Mamajonov, I.Ahmadjonov. Келишик шаклларининг услубий хусусиятлари.....	66

FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI
TILSHUNOSLIK KAFEDRASI

**Farg‘ona davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi Mahfuzullo Rahmonov
tavalludining 80 yilligi munosabati bilan o‘tkazilgan**

**“ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKNING DOLZARB MASALALARI”
MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI**

**Ilmiy ishlar to‘plami. – Farg‘ona, 2023.
Maqolalarda keltirilgan ma’lumotlarning ilmiyligi,
aniqligi va yangiligi uchun mualliflar mas’uldir.**